



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ДАВР ТАШАББУС ВА МАСЪУЛИЯТНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Ўзбекистон ССЖ Президенти хузуридаги
Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидан

● Маълумки, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси «Ўзбекистон ССЖда ижроия ва бошқарув ҳокимияти тузилмасини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССЖ Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилди. Ана шу Қонун ҳужжатига мувофиқ Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти ўзининг 15 ноябрь Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси тузилмасини тасдиқлади. Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосарларининг шахсий таркибини белгилаб берди.

Жумҳурият Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг биринчи мажлиси 19 ноябрь кuni бўлиб ўтди.

Мажлисда вазирликлар, идоралар, марказий муассасалар, кўчиралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

И. А. Каримов Маҳма Раиси ўринбосарларини таъинлаб, янги ижроия идораси ўз фаолиятини бошлаётган вазиятни таърифлади, ҳеч кечиктирмай ҳал этилишини талаб қилган вазиятдаги ва иштирокчи бўлган вазирларнинг баён этиб берди.

Ижодий ташаббус ва чинакам ишчанликни давлат иттифоқини мустақамлаш билан, барча даражалардаги раҳбарларнинг тошқирланган иш жаҳаси учун шахсий жавобгарлигини ошириш билан узвий боғлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Маҳкама тузиллишини ижроия ҳокимиятининг янги вазирлар тақозо этди. Чунончи, унинг таркибиде Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг, ижтимоий соҳа ва маданиятнинг асосий комплексларига мос келадиган тузилмалар ташкил этилди.

Президент комплексларнинг вазирларини, улар ишчининг асосий қондаларини таърифлаб берди, жумҳуриятнинг хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишининг аниқ тармоқларини қамраб оладиган барча соҳалари ўзаро боғлиқлигини алоҳида таъкидлади.

Бу эса барча ресурслардан самарали фойдаланиш учун, юксак ва барқарор натижаларга эришиш учун комплексларнинг тула масъулиятини тақозо этди.

айрим бўғинларининг ишига майда-чўйда васийлик қилишга, ортиқча аралашувга барҳам беришни кўзда тутувчи баҳамжиҳат ҳаракатини аниқ йўлга қўйиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Бошқарув тузилмаларини такомиллаштиришга доир тадбирлар тула қўллаб-қувватланди ва маъқулланди. Янги тузилма қўшимча имкониятларини излаб топишга ва уни йиғи жабоб этишга қўмаклашди, бозор муносабатларига ўтишни тезлаштириш ва енгиллаштиришга, иқтисодийнинг маъжуд тармоқларини ривожлантириш ва янгилашга вужудга келтиришга, халқ фаровонлигини оширишнинг пухта негизини яратишга брдам беради, деб таъкидланди. Шу муносабат билан аниқ-равшан истак ва тақлифлар айтилди. Жумладан, вазирликлар ва идоралар фаолиятида хўжалик ҳисоби қондаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳокимият тузилмасини такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон ССЖ Қонунида кўзда тутилгандей, жумҳурият Президенти хузурида ягона идора ташкил этилди. Унинг вазифаси — турмушнинг турли соҳаларидаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этишдан, аниқ тақлифлар киритишдан, ҳукумат қарорлари, аниқсв Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонлари сўзсиз ва аниқ байқарилиши учун ўз вақтида ва тасирчан назоратини таъминлашдан иборат.

Мажлисда комплекслар раҳбарларига ва Маҳкамага 1990—1991 йилнинг қиш даврида озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини икки ҳафта муддат ичида тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш вазифаси тошқирланди. Шунингдек, жумҳурият шаҳарлари ва қишлоқларини электр қуввати ҳамда иссиқлик билан таъминлашнинг тартибига солишга доир тадбирларни ҳам ишлаб чиқиш тақлиф этилди.

Бу ҳужжатларнинг ҳаммасини махсус тузилган комиссия қўриб чиқди ва тақлифларни Ўзбекистон ССЖ Президентига тақдим этди.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ССЖИ Олий Кенгашининг қарори

ССЖИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТЎРТИНЧИ СЪЕЗДИНИНГ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Олий Кенгаши қарор қилди: ССЖИ халқ депутатлари тўртинчи съездининг муҳокамасига киритиш учун қуйидаги масалалар тавсия этилсин:

1. ССЖИ халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съезидан кейин сайланган ССЖИ халқ депутатларининг ваколатларини тан олиш тўғрисида.
2. Мамлакатнинг аҳволи ҳамда вужудга келган иқтирозли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни барқарор этиш тадбирлари ҳақида (ССЖИ Президентининг маърузаси).
3. Янги иттифоқ шартномасининг умумий қончилиги ва уни тузиш тартиби тўғрисида.

4. ССЖИ Конституцияси (Асосий қонуни)га ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
5. ССЖИда умумхалқ овоз бериши (референдум) ўтказиш тартиби ҳақида қонун лойиҳаси тўғрисида.
6. ССЖИ халқ депутатини қақриб олиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида.
7. ССЖИ бош прокурорини ва ССЖИ бош давлат ҳақамини тасдиқлаш тўғрисида.
8. ССЖИ Олий Кенгашининг таркибини янгиллаш ҳақида.

ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. ЛУКЪЯНОВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 19 ноябрь.



● УЗНИНГ 70 йиллигини кенг ишонлаган Тошкент Давлат дорилфунунда кўлаб муаммолар лабораториялар ишлаб турибди. Улардан бирини гўза генетика бўйича самарали тадқиқотлар олиб боришмоқда. Суратда: (чапдан) лабораториянинг етакчи илмий ходими У. Нажимов, катта лаборант Н. Циркунова ҳамда илмий ходим М. Сенамьянлар илмий изланиш натижаларини кўздан кечиришмоқда. Суратчи С. МАҲКАМОВ.

Муҳарририятга хат БОЗОР-ШАҲАР АХВОЛИНИНГ ОЙНАСИ

ҚАЙТА қуриш бошланганига, ошқоралик ва демократия шароитида яшаётганимизга ачина бўлиб қолди. Қайта қуришни ҳали бозорларга нисбатан кўлаб бўлмади, аммо ошқора ишларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Мен Ангрн шаҳар колхоз бозори мисолида айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашмоқчиман.

Қадимдан ота-боболаримиз турли молларни ўзаро келишув асосида айирбошлаб бозор иқтисодиётига асос солганлар. Ўша даврларда одамларда меҳр-оқибат, бир-бирини сыйлаш бўларди. Бугун эса бунинг тамом теснарсини. Миллиция ходимлари ҳам савдогар, чойқовчиларни тартибга солиш мақсади билан қўриқчиларни бошқариш. Бозорга кириш, истаган нарсанинг топилди: қора чой, тамакки маҳсулотлари, лезвия, баҳмал, бош-

қа камбғ маҳсулотлар. Дўконларда уларни топиб бўлсин! Қизинг шунданки, дўконда топиладиган нарсалар қайқовда доим бор. Чойқовчилар бир нархни айтиб, шунини ушлаб оладилар, зарур нарсани эса улар сўраган нархга сотиб олишга мажбур бўласиз. Колхоз бозори чойқовга айланди.

Бозор растанларидеги маҳсулотларнинг нархи ҳам «сочмоқ». Айни пилиқчиллик дарида помидор, бодиринлар икки сўм, лавон-тарвузалар 60—70 тийин бўлиб турса, уларни сотиб олишга ҳамманинг ҳам қўнғати қийоқ қилмади. Нархларни мувофиқлаштиришнинг йўлини топиш керак.

Бозорда чойқовчи сероб. Масалан, қуруқ мева сотадиганлар. Улар йил ўн икки ой бозорда, мевани қачон, қаерда етиштиришди? Чойқовчиларнинг қўлидаги

қуруқ мева эса Тошкент шаҳридагидан ҳам қиммат.

Маврида келганда бозорнинг тозаллиги ҳақида тўхта-ламан. Ҳар чеккада савзавот, полиз маҳсулотларининг қўлдиқлари уюлиб ётибди, улардан чиқаётган қўлака хўдларга чидаб бўлмади. Фарошлар ҳам айни бозор қиёганида пайда бўлиб қолди. Улар сўгуриш-сидириш бозор қайтатч бажарсалар бўлмайдилар.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларини шаҳар ижроия қўмитаси бош бўлиб, миллиция, санитария-эпидемиология низомиоти, бозор маъмурияти иштирокида тугатиш мумкин. Бу ишга фақат ҳафсала, қўнғ керак, холос. Ана шундангина қўзланган мақсадга эришилди.

Ўрол ЖЎРАЕВ,
ишчи,
Ангрн.

ШОНЛИ САНА

■ Урта Осиёнинг 1920 йилда В. И. Лениннинг декретига биноан ташкил этилган энг кеска олий ўқув юрти Тошкент давлат дорилфунунини шу кунларда ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонламоқда. 20 ноябрь кунин Алишер Навоий номи академик катта театрида ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси котиби Ж. Х. Ҳамидов Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримовнинг Тошкент дорилфунунини талабаларига, муаллимларига, бутун жамоасига йўллаган табриномасини, шунингдек дорилфунунининг алоҳида ўрнатқ кўрсатган ҳодимларини мунофотлаш тўғрисидаги Фармонни ўқиб ошиттирди.

ТошДД ректори, ССЖИ халқ депутати, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов Тошкент дорилфунунини босиб ўтган шонли тарихий йўл, кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишларида у эришган ютуқлар тўғрисида маъруза қилди.

Маърузада ва нутқларда Тошкент дорилфунунини Ўзбекистонгагина эмас шу билан бирга мамлакатнинг бошқа жумҳуриялари халқ ҳўжалиги турли тармоқлари учун кадрлар тайёрлашнинг чинакам масканига айланди. Ҳозирги вақтда дорилфунунининг 16 та кулиётида 20 мингдан ортиқ талаба, мамлакатдаги 46 миллат ва элатнинг вакиллари, 65 та хорижий мамлакат йигит ва қизлари таҳсил кўрмоқда.

Дорилфунун олимлари, талабалари катта ҳажмдаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Кейинги вақтда Тошкент давлат дорилфунунда миллатлараро муносабатлар маркази, амалий экология, генетика ва биотехнология бўлимлари, ижтимоий тадқиқотлар лабораторияси, амалий физика илмгоҳи ташкил этилди. ХХР, Ҳиндистон, АҚШ

Франция, Югославия, Венгрия, Жанубий Корея, Миср ва бошқа мамлакатлар дорилфунунлари билан бево-сита илмий икжодий алоқалар ўрнатилган, талабалар ва стажерларни бир-бирига юбориш йўлга қўйилган. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини қучайтириш шароитида, ташқи иқтисодий алоқалар ахтиёж остида бораётганлиги муносабати билан Тошкент давлат дорилфунунинида шундай кадрлар тайёрлаш бошланди.

Сўзга чиққан кишилар Тошкент дорилфунунини эришган ютуқлар ва муваффақиятлар тўғрисида гапириб, айни пайтда унинг олдида қўлгина муаммолар турганлигини таъкидладилар. Асосий муаммолардан бири — чинакам дорилфунун таълимининг муфунини оширишдан иборат. Илм масканининг моддий-техника негизини жиддий мустаҳкамлаш талаб этилмоқда, бу эса ўқув жараёнини, талабалар ва педагогларнинг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш имконини беради.

Тошкент давлат дорилфунунининг 70 йиллигини байрам қилишга мамлакатнинг 56 та олий ўқув юртидан, шунингдек Австрия, Жазиор, Туркия, Миср ва бошқа давлатлардан меҳмонлар келишди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон ССЖ вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССЖ Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Мамарасулов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«ГАЛЬВОУР» КАФОЛАТ БЕРАДИ

Заҳарли моддалардан фойдаланилмайдиган ишлаб чиқариш, маҳсулотнинг аъло сифати, сувнинг тежаллиги ва унинг жуда яхши тозаланиши, жаҳон стандартлари даражасидаги меҳнат шароити... «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг Тошкентдаги бош қорхонасида қабул қилинган тайёрланган афзалликлар ана шундай. Ўсуналари етказиб бериш ва уларни фойдаланиш учун тайёр қилиб ўрнатишни Швециянинг «Гальвоур» фирмаси ўз зиммасига олган.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Таллин портда контейнерлардан Стокгольмдан келтирилган қимматбаҳо юнлар тушириб олишмоқда. Бу орада эса Тошкентда ярим автомат линия ишга туширилди. Унинг шарофати билан деталларга ишлов беришнинг эскириб қолган технология-

сидан воз кечилди. Бўшаб қолган майдонлар реконструкция қилинди, ҳаёт таъминоти манбалари ўтказилди.

Ноябрь ойининг охирида «Гальвоур» фирмаси мутахассисларининг дастлабки гуруҳи келди. Уларнинг вазифаси янги линия учун тайёрлаб қўйилган пойдевори кимёвий жиҳатдан пилиқ пластик билан қоплашдан иборатдир. Январ ойида асосий ускуналар ўрнатила бошланади. Гальван линия билан бирга тозалаш ишпоотларининг кучли системаси ишга туширилади.

Линияда бир кеча-кундузда уч тонна детал тайёрланади. Уларни руҳ ва кадимий билан қоплаш жараёни заҳарли цанали натрийдан фойдаланишга ахтиёж қолдирмайдиган энг янги технология асосида олиб борилади.

(ЎзТАГ мухбири).

Ўзбекистон ССЖга расмий таширф муносабати билан

Хитой халқ жумҳурияти Шинжонг-Уйғур автоном райони халқ ҳукуматининг раиси Тумур ДАВОМАТ

1927 йилда Шинжоннинг Тўқсун ноҳияси Бўстон қишлоғида тутилган. Миллати — уйғур.

1952 йилдан ХКП аъзоси, 1954 йилдан буюн Шинжонг — Уйғур автоном ноҳияси (Шуар)да давлат ва партия ишларида.

1954—1956 йилларда Шуарнинг Тўқсун ноҳияси халқ ҳукумати раиси бўлиб ишлади.

1957—1964 йилларда Тўқсун ноҳияси ХКП Комитетининг котиби ва ўриндошлик юзасидан Турфон округи ХКП Комитети котибининг ўринбосари (1958—1964).

1964—1968 йилларда Шинжонг-Уйғур автоном райони халқ ҳукумати раисининг ўринбосари бўлиб ишлади.

1978—1985 йилларда — Шинжонг-Уйғур автоном ноҳияси ХКП Комитетининг котиби, 5 ва 6-қақриқ Шуар халқ вакиллари мажлиси доимий комитетининг раиси.

1978—1986 йилларда ўриндошлик юзасидан миллатлар ишлари давлат коми-

тети раисининг ўринбосари бўлди.

1985 йилда Шинжонг-Уйғур автоном ноҳияси халқ ҳукуматининг раиси этиб таъинланди.

12 ва 13-қақриқ ХКП Марказий Комитетининг аъзоси.

3, 4, 6 ва 7-қақриқ халқ вакиллари умумхитой мажлисининг депутати этиб, 5-қақриқ халқ вакиллари умумхитой мажлиси доимий комитетининг аъзоси этиб сайланди.

1990 йил апрелида ХХР Давлат Кенгашининг Бош вазирли Ляньнинг ССЖИга қилган расмий ташрифида унга ҳамроҳ бўлди.

Ўзбекистон ССЖда ХХР Шинжонг-Уйғур автоном ноҳияси ҳукумат делегациясининг 23 ноябрда бошланидиган ташрифини таъриқлайдиган ва бу ташриф Ўзбекистон билан Шуар ўртасидаги ҳамкорлигини, ССЖИ ва ХХР халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб умид қиладилар.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ ОБУНА МУДДАТИ— 1 ДЕКАБРГАЧА



ЎзТАГ мухбири П. Нишонов билан И. Поляискийнинг «Фойдаси ўзатга-ю, жабри харидорамиз!» танқидий мақоласига Тошкентдаги савдо ташкилотларининг раҳбарларидан жавоб олинди. 24 октябрь кунин «Правда Востока», «Тошкент ҳақиқати», бошқа газеталарда эълон қилинган мақолада савдодаги суиестеъмола, харидорлар ҳақидан уриб қолишлар, сотилаётган молни нотўғри тартиб беришлар ва камбғ молларни яшириб қўйишлар, шунингдек улар билан чойқовчилик қилишлар тўғрисида гапирилган эди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бош бошқармаси бошлигининг ўринбосаридан шундай мактуб келди: «Мақола бош бошқарманинг кенгайтирилган кенгашида барча савдо нуқталарининг директорлари, шунингдек Тошкент шаҳар кен-

• Танқидий мақолалар изидан ЯНА ХАЙФСАНМИ?

гаши ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Х. Хижматуллаев ҳамда Ўзбекистон ССЖ савдо вазирининг ўринбосари Б. Е. Пенцов иштирокида муҳокама қилинди.

Савдо бош бошқармасининг 24 октябрь кунин чиқарилган 170-буйруғи билан савдо қондалари бузилишига барҳам бериш юзасидан чоралар қўрилмагани, ҳуқуқий тарбияни ишлар даражасининг пастлиги, аппарат иш нazorатсиз қолдирилгани ва бош бошқарма кенгашлари қилгани қабул қилинган қарорларига биноан ишларни қайта қуриш борасида чоралар қўрилагани учун «Болалар дўнес» фирмасининг директори М. Б. Сайфуллинга, Сертели ноҳияси савдо савдо бошқармасининг директори А. Г. Гайдобоевга, Киров ноҳия озиқ-овқат савдоси бошқармасининг дирек-

тори Т. И. Ўлмасовга, Тошкент хўжалик-маданий моллар савдоси бошқармасининг директори Н. П. Павленкога қатъий хайфсан эълон қилди ва улар октябрь ойини учун маошининг юз фоиз миқдоридеги муқофот пулидан маҳрум этилди.

Маъжур мақола савдо ташкилотларининг кенгайтирилган кенгашларига муҳокама қилинди, айбдорлар қонунда белгиланган тартибда жазоланди. Савдо бош бошқармаси раҳбар идоралари билан биргаликда шаҳар савдо тармоғида давлат ва меҳнат нитизомини мустаҳкамлаш юзасидан барча зарур чораларни кўрмоқда.

Ҳозирги кунда бош бошқарма раҳбарияти йирик савноат корхоналарида ишчи ва хизматчилар билан учрашувлар ўтказмоқда. Бундай учрашувлар Тошкент трактор заводида, Тошкент қишлоқ

хўжалиги машинасозлиги заводида, В. П. Чкалов номи авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, тўқимачилик комбинатда, Ўзбекистон ССЖ 50 йиллиги номи тикуччилик фабрикасида бўлиб ўтди. Бу учрашувларда савдода муаммо бўлиб турган масалалар муҳокама қилинди.

Урта Осиё темир йўлининг ишчилар таъминоти Тошкент бўлими бошлиғи К. Я. Исҳоқов эса ЎзТАГ таҳририятга қуйидагиларни ёзиб юборди: «Қондан бузган айбдорлар жазоланди. Сотувчи Л. С. Дунаеванинг лавозими уч ой муддатга лавойитланди. Шу муддат лавойида у дўкон фарооши бўлиб ишлайди. Дўкон мудирини Ф. Батаева иш юзасидан материаллар ишчилар таъминоти бўлимининг ўртоқлик суғи қўриб чиқиши учун тошқирлиди. Савдо бўлимига молларни корхоналарга тақсимлаш устидан назоратни қучайтириш тўғрисида кўрсатма берилди».

(ЎзТАГ).

қозоққинан, тожик ёки корейсқинан, менга барибир. Мен сени ғақат инсон сифатида ҳурмат қиламан. Қўлингни бер, дўстим, ғаламис, ивгоғарлар олдида қўл ушлашиб ўтайлик!

М. УСМОНАЛИЕВ,
Ғалаба ноҳия Совети
ижроия комитети бўли
мудир.

